

الحكم تقود إلى السعادة

الجزء الرابع

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Түртинчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2015 йил

ТАҚДИМ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлүқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи вассалламга айтган ҳикматлари ададида салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлүқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ рухнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Иbn Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи:

«Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирлиқдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг қўплари ҳикматга куйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ганий ва мақтовга сазовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик хаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб

тафсир қилғанлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Фаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз назидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласиди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта оловчи китоблар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айrim ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хulosаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаған устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида муентазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлирдан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз

интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сұхбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуг: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:


- 1) ثقہ نفسك
- 2) کلام من القلب
- 3) خذ الحکمة
- 4) بستان الحکماء
- 5) ثقافة حول العالم

- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حكمة اليوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعجبي
- 11) كنوز من الحكمة
- 12) ذكر الله
- 13) عذب الكلام
- 14) عالم الثقافة والمعرفة

Хикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчидаги таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.


Ушбу «Хикматлар – саодатга етаклар» "الحكم - تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.



667. Ё яхши сўз айт, ё сукут қил!



668. Бир куни касал бўлиб қолдим... Ҳамма ухлади, аммо онам кўз юммади.



669. Орзуларни жуда күпайтириб юборма, ҳақиқий ҳаётни унутиб қўясан.



670. Қазои қадарни фақат дуо қайтара олади.




671. Яхшилик қилишга шошил, чунки ўзингдан кейин ҳам йўқ бўлмайдиган бирдан-бир нарса қилган яхшилигингдир.




www.facebook.com

672. Бекорчиликдан минглаб разолатлар урчиди.



673. Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен учун энг севимлигингиз, Қиёмат куни менга энг яқин бўладиганингиз хушхулқлигингиздир», дедилар».



674. Роббим! Орзуларимни биласан, уларни Ўзинг рўёбга чиқар, чунки уларнинг рўёбга чиқишини жуда-жуда истайман. Дилемни чўктириб, ишимни қийинлаштириб қўйма! Менга ёмонлик истаганларни ўзи билан машғул қилиб қўй, Аллоҳим!



675. Ақл билан тил ўртасида шундай қарама-қаршилик бор: ақл кичрайгани сари тил узунлашаверади.



676. Ҳаёт менга шуни ўргатди: ҳеч ким күрмайдиган овлоқда йиғлаб-йиғлаб оламан-да, сүнг күз ёшимни артиб, одамлар олдига табассум билан чиқаман.



677. Роббим! Сендан дунё ва ундаги нарсаларнинг кенглигича хотиржамлик сўрайман.



678. Кенг дунё кўзингга тор бўлиб қолса, «Ё Аллоҳ!» деб хитоб қил!



حَيَاكَ يَا ابْنَ آدَمْ :
 أَوْلُهَا أَذَانٌ ، وَآخِرُهَا صَلَاةٌ
 فَلَا تَفْعُلْ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالإِقَامَةِ
 شَيْئًا تَنْدَمُ عَلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ



679. Эй одам боласи! Ҳаёtingнинг аввали азон, охири эса (жаноза) намоздир. Қиёмат куни надомат чекмаслигинг учун азон билан иқомат орасида ёмон амал қилма!




680. Аллоҳ билан сұхбатлашаётганингда нимани ҳикоя қылсанғ ҳам хижолат чекма! Қизиғи шуки, аслида У Зот бу ҳикояларингни билади, аммо сени эшитаверади.




681. Ким онасининг оёғи остида хизматкордай яшаса, қавми узра саййид бўлиб яшайди.



682. Қўрғошин қалам ёзув чиройли бўлиши учун баъзи ёғочларга ён бериб, ортга қайтади. Сен ҳам гохида ортга қайтишдан қўрқма! Камситиб сенга зарар берган кимса гохида асли яхшилик қилган бўлади.



683. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.



684. Бир кишининг ўрнига ўзингни қўйиб кўрмагунингча унинг муаммосини ҳис қила олмайсан.
(Танаси бошқа дард билмас).

(мақол)



685. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтдилар: «Насихатгүй бўлмаган қавмда яхшилик йўқ. Насихатгүйни яхши кўрмаган қавмда ҳам яхшилик йўқ!»



686. Эҳтимол, тўсатдан келган мусибатга биздан истифор талаб қиласиган гуноҳ сабаб бўлгандир?

مراحل النوم

- 1 _ النعاس : وهو أن يرغب الإنسان في النوم .
- 2 _ الوسن : وهو ثقل الرأس .
- 3 _ الترنيق : مخالطة النعاس للعين .
- 4 _ الكرى : أن يكون الإنسان بين النوم واليقظة .
- 5 _ التغفيق : النوم وأنت تسمع كلام الناس .
- 6 _ الإغفاء : النوم الخفيف .
- 7 _ التهويم : النوم القليل .
- 8 _ الرقاد : النوم الطويل .

687. Уйқунинг турлари:

1. Нуъос – инсоннинг уйқуга рағбат қилиши.
2. Васин – бошнинг оғирлашиши.
3. Тарниқ – кўзни мудроқ босиши.
4. Каро – уйқу билан бедорлик орасида бўлиш.
5. Тағфик – уйқуда одамларнинг сўзини эшлишиш.
6. Ифро – енгил уйқу.
7. Таҳвим – оз уйқу.
8. Руқод – узун уйқу.



688. Муаммога дуч келсанг, унинг вақтинча эканини, тақдирда битиб қўйилганини ва сабр қиласанг, бунинг учун ажр-мукофот берилишини эсла!



689. Эскириб қолган кийимларингиз камбағаллар наздида хали янги. Ўша кийимларни (ахлатга ташлаб юбориш ўрнига) камбағалларга ҳадя қилинг.



690. Роббим! Түғилган куним мени йиғлатиб, атрофимдагиларни кулдирганингдек, вафот қилган куним атрофимдагилар йиғлаганида мени кулдиргин. Аллоҳим, бизларни яхши хотима билан ризқлантириб, биздан рози бўлиб вафот эттириб!

**دعونا نكن فى زمرة
المستغفرين بالأسحار
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ
الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ
الْحَيُ الْقَيُومُ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ**

691. Келинглар, тонг саҳарларда истиғфор айтувчилардан бўлайлик:

«Астагфируллоҳаллазий лаа илаҳа илла ҳувал ҳаййул қоййуму ва атубу илайх».



692. Замон ҳеч кимни ўзгартирмайди, балки ҳар бир инсоннинг асл қиёфасини очиб беради.



693. Билиб қўй: барча чироқлар ўчиб қолса ҳам, ўлгунингча ўчмайдиган бир чироқ бор. Бу – ТАВБА чироғидир.



694. Ҳеч кимга керакмас бўладиган даражада оғир-вазмин ҳам бўлиб кетма, назар-писанд қилинмайдиган даражада енгилтак ҳам бўлиб кетма!



695. Камбағалга садақа берганингда уни мухтож, ўзингни бой санама. Тўғри, мухтожга беряпсан, лекин ўзинг ҳам мухтожсан. Фақат унинг ҳожати сенда, сенинг ҳожатинг эса Аллоҳдадир.



696. Бир солих зот ўғлига: «Сенга енгиб бўлмайдиган кучни айтайми?» деди. Ўғли: «Ҳа, айтинг», деди. Шунда у зот: «Аллоҳга таваккул қил», деди.



697. Одамлар менга тош отишган эди, мен уларни тўплаб, бир уй қурдим.

Одамлар менга отган тошларни тўплаб, бир уй қурдим.



698. Аёлни ҳурмат қилишинг заифлигингни эмас, балки ҳақиқий эркаклигингни билдиради.



699. Омадлиларнинг тилида «ал-ҳазийма» (енгилган) сўзидаги «ҳа» ҳарфи «ъайн» ҳарфига айланиб, «ал-ъазийма» (қатъиятли) сўзи ҳосил бўлади.



700. Расуллар оюндарынан кийин соллаллоху алайхи васаллам: «Номаи аъмолида күплаб истиғфор топган киши қандай баҳтли», деганлар.



701. Ақлинг очик бўлсин, лекин унинг ифлосланишидан эҳтиёт бўл!



702. Луқо ҳакимдан нақл қилинишича, унинг дарвозасига шундай деб ёзилган экан:

«Бизнинг ҳикматимиздан ўзини таниган, нафсини меъёрида тия олган ва бошига тушган ишлар тадбирини инсоф билан амалга ошира оладиган инсонгина фойдалана олади. Кимда шу сифатлар бўлса кирсин, йўқса то шуларни ҳосил қилмагунича қайтиб кетаверсин».



703. Инсон ўз қалбининг қинидир, бўлгил огоҳ,
Гар қилич кескир эмас, қиндан не хайр, эвоҳ!



704. Умар розияллоҳу анҳу айтдилар: «Инсонларга гўзал муносабатда бўлиш ақлнинг ярмидир. Саволнинг чиройли бўлиши илмнинг ярмидир. Чиройли тадбир бўлиши эса (бахтли) ҳаётнинг ярмидир».



705. Жисмнинг ҳаракатланиши унинг жони борлигига далил бўлганидек, тоатга ҳаракат қилиш маърифатнинг борлигига далилдир.



706. Табиатинг дарахтини экилган жойидан суғуриб ташла демайман, чунки инсон ўз табиатини ўзгартириши мумкин эмас. Мен у билан курашда давом эт, демоқчиман. Шунда саодатга етасан.



www.arabic.uz

707. Аллоҳни танишнинг меваси учтадир:

Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш;
Аллоҳ йўлида яхши кўриш;
Аллоҳ билан дўстлашиш.



708. Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қабрга тайёр гарликсиз кирган одам денгиздан кемасиз ўтмоқчи бўлган одам кабидир».

القناعة رأس الغنى وأساس التقى.



709. Қаноат – бойликнинг боши, тақвонинг асосидир.



710. Ҳакимлардан бири деди: «Билгилки, ҳикматлар пайғамбарлик хазинасидан олинади. Уларнинг охиргиси Аллоҳнинг Расули Мұхаммаддир. У зотга салавот ва саломларнинг афзали бўлсин!»



711. Аллоҳ таоло айтади:

«У Үзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилгани аниқдир (*Бақара сураси, 269-оят*).



712. Афсуски, кўплар насиҳатни ўрганмай, тажрибани ўрганишга киришади.

هل تعلم
ما هي الحيلولة والقيلولة والعيلولة؟

الحيلولة هي النوم بعد صلاة الفجر
وهي تحول بينك وبين رزقك

القيلولة هي النوم قبل صلاة الظهر
مدة 10 دقائق وهي مفيدة

العيلولة هي النوم بعد صلاة العصر
وهي تسبب علة للجسد والنفس

713. Уйқунинг «хайлула», «қайлула» ва «айлула» деган турлари борлигини биласизми?

Хайлула – бомдод намозидан кейинги уйқу бўлиб, у ризқингизни тўсади.

Қайлула – пешин намозидан олдин (баъзан пешин намозидан кейин) қисқа уйқу бўлиб, фойдали бўлади.

Айлула – аср намозидан кейинги уйқу бўлиб, у турли касалликларка сабаб бўлади.



714. «Аёлларнинг ақли ва дини ноқисдир!»

Шарқ әркаклари мана шу жумлани қалбларига муҳрлаб олишган. Лекин бунинг маъноси улар ўйлаган маънонинг аксидир.

«Дини ноқис» дегани баъзи диний амаллар гоҳида улардан соқит бўлиб туришидир.

«Ақли ноқис» дегани шуки, аёлларда гоҳида ҳиссиёт ақлдан устун келиб қолади.

Заифаларга мулойим бўлинглар, эркаклар!




715. Роббимиз, жаннатни ҳовлимиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қўшнимиз, сундус кийимини либосимиз ва ҳавзи Кавсарни ичимлигимиз қилгин!



716. Ҳаёт тажрибалари надомат чекиш учун әмас, сабоқ олиш учундир.



717. Қаноат қилсанг, оз нарса ҳам күпдир.
Таъмагир бўлсанг, кўп нарса ҳам оздир.
Яхши кўрсанг, узоқ кишинг ҳам яқиндир.
Ёмон кўрсанг, яқин кишинг ҳам узоқдир.



718. Луқмон ҳаким деди: «Үғлим, одамлар чиройли сўз билан фахрланишса, сен гўзал сукут билан фахрлангинг».



719. Мол кўпайган сари арzonлашади. Одоб кўпайган сари қимматлашади.

الحكم والتجارب التي نتعلّمها من الكبار..
لم يحصلوا عليها مجاناً.



720. Биз катталардан ўрганган ҳикмату тажрибаларни улар текинга қўлга киритишишмаган.



721. Витамин «С» ҳақида эшитганмисиз?

- «Совм» – рўза;
- «Солат» – намоз;
- «Содақа» – садақа-эҳсон;
- «Силату роҳмин» – силаи раҳм;
- «Сидқ» – ростгўйлик;
- «Собр» – сабрдир.

Мана шулар бизга рухий қувват бахш этувчи дармондорилардир.



722. Болаликдаги рухий ҳолатимни кўп қўмсайман. У пайтда ғам ҳам, ташвиш ҳам йўқ эди.



723. Камбағаллигингдан хижолат чекма!
Жаннат аҳлининг аксари камбағаллардир!

يا مريض ... استغفر
يا حزين ... استغفر
يا مهموم ... استغفر
يا مديون ... استغفر


أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ وَ أَتُوَبُ إِلَيْهِ

724. Эй бемор, истиғфор айт.
Эй ғамбода, истиғфор айт.
Эй бошига ташвиш тушган, истиғфор айт.
Эй қарздор, истиғфор айт:
«Астағфируллоҳал ъазийм».



725. Аллоҳим! Бизларга Қуръоннинг ҳар бир ҳарфи баробарича ҳаловат бер.
Ҳар бир сўзи баробарича каромат бер.
Ҳар бир ояти баробарича саодат бер.

Хар бир сураси баробарича соғлик бер.
Хар бир пораси баробарича мағфират бер.



726. Менга ўлишим муаммо эмас, балки қай ҳолатда ўлишим муаммо! Роббим, сахифамизни «Лаа илааха иллаллох» билан ёпгин!



727. «Ким тақво қилса» дегани шартдир. «(Аллоҳ унга муаммодан) чиқиш йўлини пайдо қилур» дегани ваъдадир. Демак, ваъдани қўлга киритиш учун шартни бажариш керак!

لا تترك صلاتك أبدا
 فهناك الملائين تحت
 القبور يتمنون لو
 تعود بهم الحياة
 ليسجدوا ولو سجدة

728. Намозингни асло тарк қилма!

Қабрдаги миллионлаб одамлар яна бир бор ҳаётга қайтсаму, бир марта бўлса ҳам сажда қилиб қолсан, деб орзу қилиб ётишибди!



729. Қалбинг тинч бўлишини истасанг, Қуръон ўқи.

Жаннатда уйинг бўлишини хоҳласанг, Ихлос сурасини ўқи.

Жаннатда сен учун дараҳт экилишини истасанг, «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи»ни кўп айт.

Жаннатда хазинанг кўп бўлишини хоҳласанг, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ»ни кўп айт.



730. Шу биргина оят хусусида фикр юритиб кўр: «**Иймон келтирганлар учун қалбларнинг Аллоҳ зикрига ва нозил бўлган ҳаққа юмشاши, олдин китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?**» (*Ҳадид сураси, 16-оят*).

(Аллоҳни тез-тез эслаб турмасак, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашсак, қалбимизни моғор босади, бағримиз тошга айланади. Кейин унга Аллоҳнинг зикри ҳам, дин таълимотлари ҳам таъсир қилмайдиган бўлиб қолади).



731. Аллоҳ ризоси учун бир насиҳат:

Сигаретни ҳалол деб билсанг, нега уни чекишдан олдин «Бисмиллах» демайсан, чекиб бўлгандан кейин «Алхамдулиллаҳ» демайсан?

Сигаретни неъмат деб билсанг, нима учун уни пойабзалинг билан ўчирасан?

Уни оддий, табиий нарса деб билсанг, нима учун ота-онангнинг олдида чекмайсан?

Уни яхши нарса деб билсанг, нима учун фарзандларингга ўргатмайсан?

Аллоҳдан қўрққин! Надомат ва ҳасратда қолмасингдан соғлигингни, мол-мулкингни асра!



732. Қулоқ солсанг ҳикмат келади, күп гапдан надомат келади.

Али ибн Абу Талиб



733. Ушбу қимматбаҳо ҳикматни сенга ҳадя қиласман:
Аллоҳни топган нимани йўқотиби?
Аллоҳни йўқотган нимани топиби?



734. Баъзи одамлар борки, бугун уни баҳтли қиласиган одамни топса, кеча уни баҳтли қиласиган одамни дарров унутади.



735. Асло ўкинма, чунки сен бир муаммога чидаб, унга сабр қилмоқдасан. Бир кун келиб сабринг ҳақида ва у сени жаннатга киритгани ҳақида хабар берилади.




736. Хоҳламаганинг билан бирга яшагандан кўра ёлғиз ўзинг яшаганинг афзал.



737. «Аллоҳумма, инний ас‘алука ҳуббака ва ҳубба ман йухиббука вал ъамалаллазий йубаллиғуний ҳуббак. Аллоҳуммажъал ҳуббака ахабба илайха мин нафсий ва аҳлий ва минал ма‘ил барийд».

И мом Термизий ривояти

(«Аллоҳим, Ўзингнинг муҳаббатингни, Сени яхши кўрганларнинг муҳаббатини ва Сенинг муҳаббатингга етказадиган амални сўрайман. Аллоҳим, Ўзингнинг муҳаббатингни менга нафсимдан ҳам, аҳлимдан ҳам, муздек сувдан ҳам севимлироқ қил»)



738. Ўзига ишонган одам тавозеъли бўлади. Ўзининг камчилигини билган одам такаббурлик қиласди.



739. Умар ибн Хаттоб: «Осмонда момақалдироқ гулдираб, яшин тушса ҳам истиффор айтувчига нуқсон етмайди», деганлар.

«Астагфируللہ عزیز اے جنہیں کوئی نہیں ملے جائیں جو اپنے خطا کو اپنے رب کو توبہ کر کے پورا کر دے جائے۔

إِنَّمَا سُؤْلَتُ الْجَنَّةُ إِنَّمَا سُؤْلَتُ الْجَنَّةُ إِنَّمَا سُؤْلَتُ الْجَنَّةُ
 فَلَا تَسْأَلْ : إِنَّمَا سُؤْلَكَ الْجَنَّةُ ، لَذُنْ حَنَّاكَ
 مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ بَعْدَ النَّارِ إِنَّمَا سُؤْلَكَ الْجَنَّةُ
 وَلَكُنْ قَلْ : إِنَّمَا أَنِّي سُؤْلَكَ الْجَنَّةُ
 بِخَيْرِ حِسَابٍ وَلَا سَاقِ عِذَابٍ .

740. Жаннат сўрасанг, «Аллоҳим, Сендан жаннат сўрайман», деб айтма, чунки дўзахга тушиб, кейин жаннатга кирадиганлар ҳам бор.

«Аллоҳим, ҳисоб-китобсиз, азоб-уқубат кўрсатмай жаннатга дохил қил», дегин.



741. Ақлнинг гўзаллиги фикр билан, тилнинг гўзаллиги сукут билан, сўзнинг гўзаллиги ростгўйлик биландир.




742. Дўстлардан йироқлашиш қалба азоб беради, Аллоҳдан узоклашиш эса қалбни ўлдиради.



743. Аллоҳим, қалбимни муҳаббатингга, тилимни зикрингга, жисмимни тоатингга, ақлимни яратган нарсаларинг хусусида тафаккурга, динингни чуқур англашга машғул қил!



744. Жохил бўлганим учун жим турганим йўқ, атрофимдагилар гаплашишга арзимайди, холос.



745. Бир киши ҳаким Мутанаббийни нокулай ахволга солмоқчи бўлиб, «Сизни узокдан аёл киши деб ўйлабман», деди. Шунда Мутанаббий: «Мен эса сизни узокдан эркак деб ўйлабман», деди.

من ابتغى صديقاً بلا عيب،
عاش وحيداً
من ابتغى زوجة بلا نقص ،
عاش أعزباً
من ابتغى حبيباً بدون مشاكل ،
عاش باحثاً
من ابتغى قريباً كاملاً ،
عاش قاطعاً لرحمه

للشيخ الشعراوى رحمه الله عليه

746. Айбсиз дўстни қидирган одам ёлғиз қолади.
Камчилиги йўқ хотин қидирган одам хотинсиз яшайди.
Муаммосиз дўст қидирган одам уни бир умр қидиради.
Мукаммал қариндош излаган одам қариндошлардан
узилган ҳолда яшайди.



747. Рамазоннинг охирги ўн кунлиги афзалми ёки зулхижжанинг биринчи ўн куними?

Рамазоннинг охирги ўн куни кеча жиҳатидан афзалдир, чунки унда Қадр кечаси бор. Зулхижжанинг аввалги ўн куни эса кундуз жиҳатидан афзалдир, чунки унда арафа куни, қурбонлик куни бор.

Иккови ҳам энг афзал кунлардир. Мана шу аҳли илмнинг, мухаққиқларнинг назидаги афзаликдир.

Аллоҳ мададкоримиз бўлсин!

عشر ذي الحجة	
الأعمال المستحبة فيها	فضائلها
أداء الحج والعمرة	اقدسها عزوجل في سورة الفجر
الصيام	ال أيام المعلومات التي شرع الله فيها ذكره
الصلوة	شهد لها رسولنا بأنها أفضل أيام الدنيا
التكبير والتحميد والتهليل والذكر	فيها يوم عرفة
الصدقة	فيها يوم النحر
قراءة القرآن وبر الوالدين وصلة الرحم	اجتماع أمهات العبادة فيها

748. Зулхижжанинг ўн кунининг фазилати:

- Аллоҳ азза ва жалла Фажр сурасида у билан қасам ичган.
- Бу кунлар маълум ва машҳурдир, Аллоҳ унинг зикрини шариатга киритган.
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бу кунларни кунларнинг энг афзали деб гувоҳлик берганлар.
- Унда арафа куни бор.
- Унда қурбонлик куни бор.
- Ибодатларнинг подшоҳи унда мужассамдир!

Бу кунларда маҳбуб бўлган амаллар:

- Ҳаж ва умрани адo қилиш.
- Рўза тутиш.
- Кўп намоз ўқиши.
- Такбир («Аллоҳу акбар»), таҳмид («Алҳамдулилаҳ»), таҳлил («Лаа илааха إلَّا اللَّهُ») ва бошқа зикрларни айтиш.
- Садака.
- Қуръон тиловати.
- Ота-онага яхшилик қилиш.

– Силаи раҳм.



749. Аллоҳнинг «ал-Ғофур» ва «ал-Афувв» исмлари орасидаги нима фарқ бор?

«Ал-Ғофур» сифати гуноҳларни ўчиришдир.

«Ал-Афувв» сифати эса Қиёмат куни гуноҳларнинг ўзингдан ва фаришталар(нинг дафтарлари)дан худди уларни қилмагандек ўчириб ташланиши, сендан рози бўлиши хамда сўрамасанг ҳам беришидир. Шунинг учун дуода: «Аллоҳумма, иннака афуввун, тухиббул афва, фаъфу ъанний» (Аллоҳум, Сен афв қилувчисан, афв қилишини яхши кўрасан. Мени афв эт) дейилади.

Термизий, Насаий ва Ибн Можса ривоятлари.



750. Сен мендан баҳт-саодат ҳақида сўрадинг. Мен эса жаннат сабр қилувчиларни интизор бўлиб кутиб турибди, дейман.



751. Ҳою-ҳавас ва шаҳватлар сабабли Қуръондан узоқлашиб кетдик. Аллоҳим, мени шаҳватлардан йироқ қилиб, Қуръонни маҳбуб айла!



752. Роббим! Юрагим сиқилиб ухлаган бўлсам, мен хурсанд қилиб уйғотгин!



753. Бахт-саодат мол-дунёдан қимматдир. Уни сенга қарзга бериб турадиган одамни топа олмайсан.




754. Ёлғон ҳақиқатни яшириб юбora олмайди. Фақат унинг фош бўлиб, очилиб қолишини кечиктиради, холос!



755. Қаноат билан таъмагирлик бойлик билан камбағалликка ўхшайди: кўпинча камбағал қаноати сабабли сендан бойроқ бўлади. Кўпинча бой таъмагирлиги сабабли сендан камбағалрок бўлади. Қаноатли бўл, бой бўласан!



756. Аллоҳнинг фазли билан яшаймиз, бошқаларнинг фазли билан эмас!



757. Гапирганда ҳаммамиз принципial бўлиб оламиз, амалга келганда эса кўпчилигимиз манфаатнинг **эгаси** қули бўлиб қоламиз.



758. Куч ишлатиша эмас, ахлоқда шердек бўл. Ҳақиқий куч ахлоқдадир!



759. Эътиборсиз муносабат қисқа ва аниқ мактуб бўлиб, унинг сарлавҳасига «Узоклаш» деб ёзилган.



760. Аллоҳнинг Каломини тинглаганингда айнан сен назарда тутилаётганингни ҳис қилишинг тақводир.



761. Барча ғорлар зулматдир. Фақат Қуръонимиздаги «ғор»гина икки жумъа оралиғидаги нурдир.

(«Kaṣf» – гор дегани. Бу ерда жумъа куни Kaṣf сурасини ўқишининг фазилати назарда тутилмоқда)



762. Мансаб-маргабангни қўлдан бой берсанг, надомат чекма! Намозни қўлдан бой берсанг, надомат қил!




763. Бир кишига: «Гоҳида танҳо қолишга қандай сабр қиласиз?» дейишиди. У шундай деди: «Роббим билан сухбатлашиб ўтираман. У Зотнинг менга гапиришини хоҳласам, Куръон ўқийман. У Зотга гапиришни хоҳласам, икки ракъат намоз ўқийман», деди.



764. Шундай бир Кун келади, у Кунда ҳамма сени ташлаб кетади, фақат Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам келиб, сени шафоат қиласылар. Шундай экан, у зотта салавот айтишни унутма!


Соллаллоҳу алайҳи васаллам!



765. Қадимда шундай дейишиган экан: «Инсон хато қилишга табиатан мойилдир. Лекин ахмоқлар үша хатони маҳкам ушлаб олишга табиатан мойилдирлар».



766. Солиҳлардан бири шундай деган экан: «Илгари илмни масжидда ўрганаар эдик. Кейинчалик мадрасалар очилди, лекин барака кетиб қолди. Ўриндиқлар қўйилган эди, тавозеъ кетиб қолди. Шаҳодат берила бошлаган эди, ихлос ҳам кетиб қолди».



767. Рост гапирган пайтимиизда сукут билан эшитамииз, холис танқид қиласиз ва мақсадли мунозарага етишамииз.


لَا نَدْعُ أَحَدًا يَسْبِقُنَا عَلَى تَحْفِظِ
إِبْرَاهِيمَ سُورَةَ الْفَاتِحَةِ لَأَنَّهُ سَيَصْلِي
بِهَا طَوَّالَ حِيَاتِهِ

الشيخ أحمد العجمي

768. Фарзандинга Фотиҳа сурасини ёдлатишда ҳеч ким сенга етолмасин. Ахир фарзанд бу сурани бутун умр ўқийди-я!



769. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс! «Лаа ҳавла вала қуввата илла биллаҳ»ни кўп айт, чунки у жаннатнинг хазиналаридан биридир», деганлар.



770. Қалб қаттиқлашса, күз ҳам ёш түкишдан тұхтайди.



771. Ҳол-аҳволингни сўраб турадиганларни маҳкам тут!
Хозирги пайтда бундай инсонлар камайиб кетган.



772. Сизларга бир сирни айтаман:

«Биз ер куррасининг туб ахолиси эмасмиз. Биз асли жаннатликлармиз, чунки Отамиз дастлаб жаннатда яшаганлар. Бу ерга қисқа муддатлик имтиҳонни ўташ учун тушганмиз, тезда қайтиб кетамиз. Кенг ва гўзал ватанимизга кетаётган солиҳлар карвонига етиб олишга кучинг борича ҳаракат қил. Бу кичик курраи заминда вақтингни зое кетказма!»



773. Дунё ғамларини елкангизга ортиб олманг. Бугуннинг ғами билан яшанг, эртанинг ғамини Эгасига қолдиринг.



774. Одамларга шикоят қилаверсанг, аввалига ҳамдард бўлиб туришади, лекин кейин уларга ҳам малол келади.

اعلم ..
أَنْ مَنْ يَكْثُرْ قَرْعَ الْبَابِ ، يَوْشَكْ أَنْ يَفْتَحْ لَهُ !
فَاكْثُرُوا مِنْ قَرْعِ أَبْوَابِ السَّمَاءِ بِالدُّعَاءِ !
فَإِنَّهَا لَا شَكْ سَتْفَتْحَ {بِالْيَقِينِ ، وَالْإِيمَانِ الْعَمِيقِ !}



775. Билиб қўйинг! Эшикни кўп тақиллатган кишига ўша эшик очилиши мумкин. Шундай экан, осмон эшикларини дуо билан тинмай тақиллатаверинг, чунки у шак-шубҳасиз кучли ишонч ва чуқур иймон билан очилади.



776. Қалб сиқилишининг муолажаси:

1. Тасбеҳ.
2. Сажда.

«Албатта, уларнинг айтаётганларидан дилинг сиқилишини яхши биламиз. Бас, Роббингга ҳамди ила тасбеҳ айт ва сажда қилувчилардан бўл. Ва сенга аниқ нарса (ўлим) келгунича Роббингга ибодат қил» (*Хижср сураси, 99-оят*).



777. Аёл киши ўқиса, турмушга чиқса, мухаббат қўйиб, эрининг хизматини холис адо этса, ҳомиладор бўлса, кўзи

ёрса, эмизса, тарбия қилса, ишласа, ташвишу хавф-хатарларни бўйнига олсаю, яна охирида ақли ноқис саналса...

Ақли тўлиқ бўлганида яна не-не ишларни қилган бўлармиди?

البرد : يمرضنا !!
الحر : يؤذينا !!
الشمس : تحرقنا !!
الغبار : يتعبنا !!
الريح : تزعجنا !!
فما أجمل الجنة ؟!

[لا يرؤن فيها شمساً ولا زهراً]

اللهم أجمعنا بأحبابنا في الجنة .. اللهم آمين

778. Совуқ бизни касал қиласи!

Иссиқ бизга озор беради!

Куёш қиздириб юборади!

Чанг чарчатиб юборади!

Шамол безовта қиласи!

Жаннат бунчалар ҳам гўзал бўлмаса!

«У ерда қуёшли ҳам, совуқни ҳам кўрмаслар» (*Инсон сураси, 13-оят*).

Аллоҳим! Ўзимизни ҳам, яқинларимизни ҳам жаннатда жам қилгин!



779. Наботот сув билан тирик бўлса, қалблар Аллоҳнинг зикри билан тириқдир.

«Улар иймон келтирган ва қалблари Аллоҳнинг зикри ила ором оладиганлардир. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором олур» (*Раъд сураси, 28-оят*).

(Ҳа, иймон келтирганларнинг қалби Аллоҳнинг зикри ила ором топади. Зоро, бу қалблар ўзининг Аллоҳга доимий боғлиқлигини ҳис этади. Зоро, бу қалблар дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳдан эканини яхши билади).




780. Сўзнинг ортиқчасини тарқ қил, ҳикматга эришасан!
Назарнинг ортиқчасини тарқ қил, хузуъ-хушуъга
эришасан!

Кулгининг ортиқчасини тарқ қил, ҳайбат ва виқорга
эришасан!

Дунёнинг муҳаббатини тарк қил, охират муҳаббатига эришасан!

Бошқаларнинг айбларини тарк қил, айбларингни ислоҳ қилишга эришасан!



781. Тақвонинг самараларига ва улкан ажрга етишиш воситаси бўлган оят ушбудир: «**Булар Аллоҳнинг сизга туширган амридир. Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унинг гуноҳларини кечиур ва ажрини кўпайтириб берур»** (*Талок сураси, 5-оят*).



782. Аллоҳга яхши гумонда бўлишнинг калити еру осмондаги бирор нарса Аллоҳни ожиз қолдира олмайди, деб билишингдир.



785. Гоҳида шарҳлаш ва изоҳ бериш мاشаққати жим туришга мажбур қилади.



786. Аллох Ўзи хоҳлаганига ҳисобсиз ризқ берур!



787. Қалблар экинзордир, унга яхши сўз экинглар. Мевасидан манфаат олмасангиз ҳам, ҳар қалай ям-яшилигидан ҳузурланасиз!



788. Аллоҳим! Сендан Марямнинг ризқини, Осиёнинг қасрини, Оишанинг тақвосини, Хадижанинг қалбини, Фотиманинг мулойимлигини, Юсуфнинг жамолини, Луқмоннинг ҳикматини, Айюбнинг сабрини, Умарнинг адолатини, Усмоннинг ҳаёсини, Ёсир оиласига ваъдалашилган кунни ва Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларини сўрайман!



789. Қачон Роббимга ҳамд айтсам, ўзим рози бўладиган нарсани топавердим.



790. Жаннатдан бошқа барча неъматлар фонийдир.
Дўзахдан бошқа барча балолар оғиятдир.



791. Ақлингга эргашган ҳаёting одамларнинг гапига
эргашган ҳаёtingдан минг марта афзалдир.



792. Зиё таратувчи калитлар:

Азизлик калити – Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат.

Ризқнинг калити – истиғфор ва тақво билан қилинган ҳаракат.

Жаннатнинг калити – тавҳид.

Иймоннинг калити – Аллоҳнинг мўъжизалари ва маҳлуқотлари хусусида тафаккур.

Яхшиликнинг калити – ростгўйлик.

Қалблар ҳаётининг калити – Қуръон тадаббури ва сахардаги тазарруъ.

Илмнинг калити – чиройли савол ёки чиройли сукут.


Ғалаба ва зафарнинг калити – сабр.

Нажотнинг калити – тақво.

Зиёдаликнинг калити – шукр.

Охиратга рағбатнинг калити – дунёда зоҳид бўлиш (қаноат).

Ижобатнинг калити – дуо.




793. Аллоҳнинг бирорта махлуқотини паст санама, чунки Аллоҳ уни яратайтган пайтида паст санамаган.



794. Аллоҳ гуноҳларимни яширсин десанг, бировларнинг айбини очма.



795. Бир инсонга жароҳат етказсанг-у, лекин у индамас, билгинки, у сенга гапириб азоблагандан кўра шафқатсизроқ азоб берибди.



796. Ёмонлик сени енгиб қўймасин, балки сен ёмонлик устидан яхшилик билан ғолиб кел!

يتساقط الأصدقاء عاماً بعد عام
بعضهم يسقط من القلب
و بعضهم من الذاكرة
و البعض الآخر يسقط من العين
حينها ندرك بأن السعادة
ليست في عدد الأصدقاء بل في قيمتهم

797. Дўстлар йилдан-йилга тўкилиб бораверади:
Баъзилари қалдан тўкилади.
Баъзилари хотирадан тўкилади.
Бошқа бирорлари эса кўздан ғойиб бўлади.
Ана шундай пайтларда баҳт-саодат дўстларнинг
кўплигига эмас, балки уларнинг қийматига эканини англааб
етамиз.



798. Сабабсиз сиқилиб, бўғилиб, хафақон бўлаётган
бўлсанг, билки, кунлик истиғфорларинг жамғармаси
ғамингни кетказишга кифоя қилмас экан.



799. «Лаа илаха иллаллоҳ» калимаси билан нафас ол!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш билан хурсанд бўл!

Истиғфор айтиш билан нафсингни айбла!

«Иннаа лиллаахи ва иннаа-ilайҳи рожиъун» дейиш билан маҳзун бўл!

Аллоҳга ҳамд айтиш билан ўзингга азият етказ!

(Кўзинг тегмаслиги учун) кўзингнинг заҳрини «Мaa шааллоҳ, лаа қуввата илла биллааҳ» билан синдир!

«Субҳаналлоҳ» билан ҳайратлан!

«Бисмиллаҳ» билан бошла!

«Алҳамду лиллаҳ» билан якунла!



800. Унтиш неъмати бўлмаганида ҳар куни янги ҳаёт бошламаган бўлар эдик.

Нимани хоҳлашимизни билувчи ва хоҳлаганимиздан ортиғини берувчи Зот покдир!



801. «Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиганлар ҳар бир бошоғида юзта дони бўлган етти бошоқни ундириб чиқарган битта донга ўхшайди. Аллоҳ Ўзи истаганларга бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ

(фазлу карами) **кенгдир, билувчи**дир» (Бақара сураси, 261-оят).

(*Килинган битта яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишорат қилинмоқда*)



802. Аллоҳ яхши кўрган нарсангни сендан тўсиб қўйса, хафа бўлма! У Зот ишларингни қандай тадбир қилаётганини билганингда эди, қалбинг У Зотнинг муҳаббатида эриб кетар эди.



803. Муваффақият қозониш учун йўл топа олмасанг, ўзинг янги йўл оч!



804. Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Ёш эдим, тарбия қилдинг, Сенга ҳамд бўлсин!

Заиф эдим, куч-қувват бердинг, Сенга ҳамд бўлсин!


Юпун эдим, кийинтирдинг, Сенга ҳамд бўлсин!

Камбағаллик эдим, бой қилдинг, Сенга ҳамд бўлсин!

Оч эдим, тўйдирдинг, Сенга ҳамд бўлсин!




805. Хатони қилиб қўйиб, кейин айни дунёга ағдаришади. Яна «Дунё ўзгариб кетди», дейишдан чарчашмайди. Кечирасиз, дунё ўзгаргани йўқ, балки қалб, ахлок, асос ва тамойиллар ўзгариб кетди.



806. Сенга ёмонлик қилғанни кечир, зора надомат қилиб қолса! Золим эмас, мазлум бўлганинг учун Роббингга ҳамд айт. Аллоҳ кечиравчидир, раҳмлидир!



807. Инсонга суюнма, у ғаддор.
Мұхаббаттаға суюнма, у нодир.
Замонга суюнма, у ўткинчи.
Аллоҳга суюн, У ҳар нарсага қодир.



808. Эй Қуръон тиловатини тарк қилувчи!
 Бугун Қуръон ўқидингми?...
 Роббингга йўлиққанингда нима деб узр айтасан?



809. Бир сахройи арабдан: «Аллоҳни қандай танидинг?» деб сўрашди.

У шундай жавоб қилди: «Асалари сабабли танидим. У аввал асал беради, кейин чақади. Бу тасодиф эмас. Бунинг улкан яратувчиси – Холиқи бўлиб, Унинг исми Аллоҳ азза ва жалла бўлади».




810. Ҳеч бир нарса аввалги ҳолига қайтиб келмайди. Чиройли нарсани синдириб қўйиб, надомат чекишдан олдин бу ҳикматни яхшилаб ёдлаб ол!



811. Чўнтак қуруқлигини камбағаллик деб ўйлаган одам хато қилибди. Ҳақиқий камбағаллик қалб қашшоқлигидир.



812. Уламоларнинг биридан ишқ ҳақида сўрашди. Шунда у: «Аллоҳнинг зикридан ғофил қолган қалблар бўлиб, Аллоҳдан бошқага бандалик қилиш билан балолабди», деди.



813. Ким ўзини мозийга асир қилса, ҳозирини ва келажагини йўққа чиқариби.



814. Роббим! Сенга эҳтиёжманд бир фақирман. (Куръонда) «Садақалар фақирлар учундир» дегансан, менга жаннатингни садақа қил!



815. Эҳтиёткорлик қазои қадарни тўсиб қола олмайди, Аллоҳнинг сенга ёзган нарсаси шубҳасиз бўлади. Дунёдаги барча инсу жинлар тўпланиб келса ҳам, уни тўсиб қола олмайди. Роббингга таваккул қил, ишингни Аллоҳга топшир, шунда хотиржам қалб билан яшайсан!




816. Мақсад ҳикматни ўқиши эмас, балки ундан фойда олишдир.




817. Ҳеч кимни паст санама, у сендан яхшироқ бўлиши мумкин!



818. Аёллардек фазилатли зотларни кўрмадим!
Қизалоқлигига отасини жаннатга киритади.
Бўйга етгач, эрининг яrim динини мукаммал қилади.
Она бўлганида эса жаннат унинг оёғи остида бўлади.



819. Олмония Атроф-мухитни ҳимоя қилиш вазирлиги жамоат жойларига қуидаги мазмунда пешлавҳа (плакат) илиб қўйишга қарор қилди: «Биродарингнинг юзига табассум қилишинг садақадир. Бу – Мұхаммад пайғамбарнинг сўзи».



820. Ҳадеб ўтмишингга қарайверма! Лекин келажагинг учун сабоқ миқдорича бўлса, зарари йўқ!



821. Фараз қилинг, шаффоф шиша уйда яшайсиз, ҳамма нима қилаётганигизни кўриб туради. Шунда сиз нима қиласиз?

Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида ҳам худди шундаймиз.
Аллоҳга муносабат одобини қачон ўрганамиз-а?



822. Сени хафа қиладиган нарсани онангга айтма, чунки онанг бунинг учун сендан бир неча баравар ортиқроқ қайғуга ботади.



823. Фикрингни қабул қилишни хоҳламаганлар уни нотўғри англаш учун мингта йўл қидиради.



824. Банда Роббининг қаршисида икки марта тик туради:

1. Намоз пайтида.
2. Ҳисоб-китоб пайтида.

Биринчисини қойил қилсанг, иккинчиси осон бўлади.



825. Бир кун келиб бутун ҳаёting кинотасмадек кўз олдингдан ўтади. Уни қайта-қайта қўришга арзигулик ишлар қилиб қол!




826. Йўқотадиган нарсаси бўлмаган одам қаттиқ ухлайди.



827. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига қалби қорайганидан шикоят қилиб келди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қалбинг юмшаб, ишларинг юришишини истайсанми? Ундей бўлса, етимларга раҳм қил, уларнинг бошини сила, таомингдан бер. Шунда қалбинг юмшаб, ишларинг юришади».



828. Зухо (чошгоҳ) намози ҳақида эслатма:

Бу намоз инсон жисмидаги ҳар бир бўғим учун бериладиган садаканинг ўрнига кифоя қиласди. Уни ғанимат билинг!



829. «Астажфиуллоҳал ъазийм аллазий лаа илаҳа илла хувал ҳаййул қоййум, ва атубу илайҳ».

(Үзидан бошқа илоҳ бўлмаган, доимо тирик, доимо қоим Зотга – буюк Аллоҳга истигфор айтаман ва Унга тавба қиласман).



830. Қанчадан-қанча ёпик эшиклар борки, уларнинг калити истигфордир: «Астағфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайх».



831. Тўртта раббоний ваъдани биласизларми?

1. «Шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман».
2. «Мени эслангиз, сизни эслайман».
3. «Менга дуо қилинглар, мустажоб қилурман».
4. «Модомики истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобламас».



832. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай деганлар:
 «Осмон ер қаршисида ёпилиб қолса, Аллоҳ таоло бир очик жой пайдо қиласи ва тақводорлар ундан чиқиб кетишади. Аллоҳнинг: «**Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унинг учун чиқар йўл пайдо қилур**» оятини ўқимаганмисан?»
 Аллоҳим, бизни тақводор бандаларингдан қил!



833. Эшикни очиш учун уни итариб кўрамиз, лекин оча олмаймиз! Куч ишлатиб ҳаракат қилиб кўрамиз, оча олмай заҳмат чекамиз. Шунда унинг бошқа томонга очилишини билиб қоламиз. Муаммолар ҳам худди шундай: сен уларни ақл билан ечишга ҳаракат қил, қўполлик билан эмас!

صاحب مقهى إيطالي أراد أن يعلم الناس
 الأخلاق فوضع لوحة على محله كتب عليها:

واحد قهوة = 3 يورو ،
 لو سمحت واحد قهوة = 2 يورو ،
 صباح الخير واحد قهوة لوسمحت = 1 يورو

للأخلاق ثمن

834. Италиядаги бир қаҳвахона эгаси одамларга одоб ўргатмоқчи бўлиб, пештахта ёнига қуидагича нархномани илиб қўйди:

«Битта қаҳва» – 3 евро.

«Илтимос, битта қаҳва» – 2 евро.

«Хайрли тонг. Илтимос, битта қаҳва» – 1 евро.

Ахлоқнинг ҳам қиймати бор!



835. Сен ҳақингда ҳиссиётларинг гапирмасин, чунки баъзилар уларнинг тилини тушунмайди. Яхиси ақлинг билан гапириб, сўнг уни қалбинг билан ўлчаб кўр! Билгинки, ҳамманинг қалби ҳам сеникдай эмас, ҳамманинг ақли ҳам сеникдай эмас!



836. Ўтмишни ўзгартира олмаймиз, Лекин яхшироқ келажак учун ҳозиримизни ўзгартиришга қодирмиз!



837. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Мунофиқнинг аломати учтадир: сўзласа ёлғон ишлатади, ваъда берса бажармайди ва омонатга хиёнат қиласди», дедилар.

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.




838. Инсон ҳаёти тўрт нарса оралиғидадир:

1. Тоат-ибодат. Бунга бардавомлик керак.
2. Гуноҳ-маъсият. Бунга истиғфор керак.
3. Неъмат. Бунга шукр керак.
4. Бало. Унга сабр керак.



839. Роббим! Мени гуноҳларим сахросидан авф (мағфират) уммонига олиб чиқ!



840. Жаннатнинг неъмати унинг ғишида, шаробида, қасрлари, тиллоси, ипаги ва хурларида эмас, балки Аллоҳ азза ва жалланинг жамолини кўришдадир.

Аллоҳ таоло: «У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчи дидир!» деб марҳамат қилган.

Аллоҳ азза ва жалла мени ҳам, сизларни ҳам жаннати ва Ўзининг жамолини кўришга мушарраф қилиш билан неъматлантирун.



841. (Амаллар) доимийлик билан кичикигича қолмайди, (гуноҳлар) истиғфор билан катталигича қолмайди.



842. Олим жоҳилни билади, чунки ўзи аввал жоҳил бўлган. Жоҳил эса олимни билмайди, чунки ўзи аввал олим бўлмаган.



843. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Муфарридлар ўзиб кетишиди», дедилар. Шунда сахобалар: «Муфарридлар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули?» деб сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва аёллар», дедилар».

Имом Муслим ривояти.



844. Қалб хотиржамлигининг асоси «Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади, Аллоҳ хоҳламаган нарса бўлмайди» деган ҳикматни билишдир.



845. Битта дарахт ағдарилса, гумбурлаганини ҳамма эшигади. Аммо бутун бошли бир ўрмон ўсиб-улғайса, хеч бир шовқин эшитилмайди.

Одамлар ҳам сенинг ўсиб, камолга етишингга эътибор беришмайди, лекин хато қилиб, қулашингга эътибор қаратишади.



846. Ота-онага яхшилик қилиш диндир ва қарздир.

Бириңчиси (яъни дин буюргани учун ота-онага яхшилик қилиш) туфайли жаннатга кирасан.

Иккинчиси туфайли фарзандларинг (ота-онага нима қилган бўлсанг, ўшани) ўзингга қайтаради.



847. Мусулмон биродарим!

Чап қўлинг билан еб-ичсанг, шайтон нима учун хурсанд бўлишини биласанми?


Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг айтганларини қилмаяпсан. У шунинг учун хурсанд бўляпти.



848. Кўзни (номаҳрамга тушишидан сақлаб) пастга қаратиб юришга одатланинг, чунки кўзни пастга қаратиб юриш тақводорларнинг ибодатидир.



849. Йўлнинг мashaққатидан ноумид бўлма! Сирот кўприги ҳам жаҳаннамнинг устида бўлади, лекин жаннатга олиб боради.



850. Роббининг каломидан кўра бошқа ҳеч бир нарсада қалблар ислоҳ бўлмайди. Шундай экан, Куръонни тадаббур қил! Бу қалбни ислоҳ қилиш учун биринчи йўлдир.

«Куръонни тадаббур билан ўйлаб кўрмасларми? Ёки қалбларида қулф борми?» (*Муҳаммад сураси, 24-оят*).

(*Куръонни тадаббур қилиши – ҳар бир оятни, ҳар бир сўзни чуқур тушунишига ҳаракат қилишидир. Шунда пардалар кўтарилади, ҳамма нарса равшанлашади, қалб ҳаловат топади, вижсон мусаффо бўлади. «Қалбларида қулф» бўлса, унда ҳамма нарса берк бўлади ва уларга ҳеч нарса, жумладан, Куръон нури ҳам кирмайди)*)

في الجنة لن نبكي .. في الجنة لن نحزن
 في الجنة لن نفترق .. في الجنة لن نحقد
 في الجنة لن نغار .. في الجنة لا شوق
 لا ألم .. لا إنتظار
 الجنة هي الحلم الوحيد الذي
 لا تنتهي صلاحيته
اللهم أسلّك رضاك و الجنة

851. Жаннатда йиғламаймиз, хафа бўлмаймиз, бўлиниб кетмаймиз, кек сақламаймиз, рашк қилмаймиз, соғинмаймиз, озор чекмаймиз. У ерда кутиш ҳам йўқ.

Жаннат бирдан-бир орзу қилинадиган нарсаки, унинг салоҳияти тугамайди.

Аллоҳим, Сендан розилигинг ва жаннатни сўрайман.



852. Бизларга севишни ўргатган, қалбни қалбга улфат қилган ва яхшиликнинг барча йўлларини очиб берган зотга салавот айтинглар:

«Аллоҳумма, солли ва саллим ъалаа саййидинаа
Мұхаммадин ва аалихи ва сахбихил кироми, таслиман
касийро!»



853.

Твиттерда 3000 та кузатувчинг бор.

Ватсапда 400 та ўртоғинг бор.

Үқишингда 50 та курсдошинг бор.

Қийинчиликда эса атиги иккита дўстинг қолиши мумкин.

Қабрда эса ўзинг ёлғиз бўласан.

Хаёт шундай, бунга ажабланма!

Аллоҳим, бизларга яхши хотима насиб қил!



854. Энг чиройли қисса – мавжудотларнинг ўз Роббига сажда қилиш ишқидир!



855. Кул ҳурдир, агар қаноат қилса.
Хур қулдир, агар таъмагир бўлса.
Қаноатли бўл, таъмагир бўлма. Таъмагирликдан бошқа бирор нарса (инсонни) бу қадар булғаб, шарманда қилмайди.

هارون الرشيد

نام هارون الرشيد على فراش الموت فقال لإخوانه
من حوله: أريد أن أرى قبرى الذى أدفن فيه؟
فحملوا هارون الرشيد إلى قبره .. فنظر هارون إلى القبر
وبكى . ثم التفت إلى الناس من حوله وقال:
{ما أغنى عنِي ماليه * ذلك عنِي سلطانيه}
ثم رفع رأسه إلى السماء وبكى وقال
يا من لا يزول ملکه إرحم من قد زال ملکه

856. Ҳорун ар-Рашид ўлим түшагида ётганда яқинлариға: «Дафн қилинадиган жойимни күргим келяпти», деди.

Яқинлари уни күмиладиган қабрига олиб боришли. Ҳорун қабрга қараб йиғлаб юборди. Кейин атрофидаги одамларга үгерилиб, «(Не мاشаққатлар билан топган) мол-дунёим асқотмади-я! Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!» деди (*Ҳаққо сураси, 28-29-оятлар*). Сўнгра осмонга қараб, йиғлади ва «Эй мулки завол топмайдиган Зот, мулки завол топадиганларга раҳм қил!» деди.




857. Бирони ғийбат қилганимиз учун банкдаги хисобимиздан унинг хисобига маблағ ўтказиб туриса эди,

хеч нарса гапирмай, жим юрган бўлар эдик! Фоний молмулкимиз боқий амалларимиздан қимматроқми?



858. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кунда мингта ҳасанотга эриша оласизларми?» деб сўрадилар. Ўтирганлардан бири: «Мингта ҳасанотни қандай қилиб олиш мумкин?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким юзта тасбех айтса, унга мингта ҳасанот ёзилиб, мингта хатоси ўчирилади», дедилар».

Имом Муслим ривояти.



859. Нурли манбалардан:

«Ҳаловатни уч нарсадан – намоздан, Қуръондан ва зикрдан қидиринг. Топсангиз, давом этинг. Топа олмасангиз, билингки, эшик ёпиқдир».

Ҳасан Басрий



860. Раҳмдиллик сотиб олинмайди, ўзлаштириб олинмайди, ўрганиб ҳам олинмайди. У мусаффи қалблар тубида яширинган бўлади.

سمع عمر بن عبد الخطاب صوت الرعد
فبكى يكاء شديدا
فقال له أحد رفاقه :
ما يبكيك يا أمير المؤمنين ؟
فقال :
هذا صوت رحمته فكيف صوت عذابه

861. Умар ибн Хаттоб момақалдириқнинг овозини эшитиб, қаттиқ йиғладилар. Шунда ҳамроҳларидан бири: «Эй мўминларнинг амири, нега йиғлаяпсиз?» деди. У зот: «Раҳматнинг овози шу бўлса, азобнинг овози қандай бўлар экан!» дедилар.



862. Кексаларга эътиборли бўлинг, чунки улар ўзлари яшаган даврдан бошқа даврда яшашмоқда. Дўстларининг аксарияти тупроқ остидан жой олиб бўлишган. Уларнинг кўп гапиришига, танқидларига сабр қилинглар!



863. Ҳайвон оч қолганида, инсон эса тўйганида хиёнат қиласди. Нақадар аччиқ ҳақиқат...



864. Буюк йўлбошчи нима қилишинг кераклигини айтиб бермайди, балки буни қандай қилишинг кераклигини амалда кўрсатиб беради.



865. Нимани кутяпсан? Ахир тавба эшиги очиқ-ку!



866. Бироларга оқкүнгиллилік, соф ният билан қилған мұомаланғ учун мутлақо надомат чекма, чунки Аллоҳ ниятингга яраша бунинг мукофотини беради. Улар ҳам яқин күнларда ниятларига яраша жазога йўлиқадилар.



867. Дўстлар лифтга ўхшайди: сени ё юқорига, ё пастга олиб тушади. Қандай лифтдан фойдаланаётганингга ҳушёр бўл!



868. Дунё шўр сувга ўхшайди. Қанча кўп ичсанг, шунча чанқайверасан.



869. Бир ёш йигит Ҳасан Басрийнинг ҳузурига келиб, «Аллоҳга осийлик қилиб, гуноҳ қилсам ҳам менга (ризқимни мўл қилиб) беряпти, дунёни менга очиб қўйяпти. Мен ҳеч нарсадан маҳрум бўлмаяпман-ку?» деди. У зот: «Тунда (ибодатга) турасанми?» дедилар. Йигит: «Йўқ», деди. Шунда у зот: «Аллоҳ сени Ўзига муножот қилишдан маҳрум қилибди, мана шунинг ўзи (бахтсизлигингга) кифоя», дедилар.



870. Икки ўринда баҳт-саодат бўлади: ато этилган нарсага қаноат қилувчи қалбда ва қазои қадарга рози бўлувчи нафсда.



871. Ҳамма нарсани билишга ҳаракат қиласверма! Шундай нарсалар борки, уларни билмасликнинг ўзироҳат.




872. Агар зулматда холи қолсангу, нафс гуноҳга чорласа, Аллоҳ сени кўриб турганидан ҳаё қилиб, «Зулматни яратган Зот мени кўриб турибди», дегин.



873. Тақво – Аллоҳдан қўрқиши, нозил қилган Китобига амал қилиши, озга қаноатда бўлиши ва риҳлат кунига тайёргарлик қилишдир.

Али ибн Абу Толиб



مَهْمَا أُوتِيتْ عِلْمًا وَفَهْمًا وَحْفَظًا وَفَقْهًا وَدِرَائِيَّةً وَرِوَايَةً
إِنْ لَمْ تَكُنْ مَصْحُوبَةً بِحُسْنِ الْخَلْقِ
فَلَنْ يَتَعَدَّ عِلْمُكَ حَتَّىَ بَابَكَ

874. Чиройли хулқинг бўлмаса, ҳар қанча илм-идрокли, кучли хотирали, фикҳ ва ҳадис билимдони бўлмагин, олган илминг эшигингнинг остонасидан ҳам нарига ўта олмайди.



875. Танҳо бўлишга ошиқ эмасмиз, лекин бундан хузурланяпмиз.



876. «Аллох шундай Зотдирки, сизларни ночор нарсадан (яъни бир томчи сувдан) яратди, сўнгра (сизлар учун) ночорликдан кейин куч-қувват (пайдо) қилди, сўнгра куч-қувватдан кейин яна ночорлик ва қариликни пайдо қилди. У Зот Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Зот билим ва қудрат эгасидир» (*Рум сураси, 54-оят*).



877. Ухлаётган одам туш кўраётганини уйғонганидан кейингина билади. Худди шунингдек, охиратдан ғофил одам ҳам вақтни бой берганини ўлим келгандагина билади.

Аллоҳим, бизни ғофиллардан қилиб қўйма!



878. Хаёлнинг гўзаллиги шундаки, бу хос оламингга ҳеч ким кира олмайди.



879. Қалбинг чанқаса, уни фақат Қуръон билан сугор. Ўзини ёлғиз ҳис қилса, Раҳмоннинг зикри билан машғул қил!

إِنَّ اللَّهَ يُعْطِي الْذَاكِرِينَ
أَكْثَرَ مِمَّا يُعْطِي السَّائِلِينَ
فَادْعُوا اللَّهَ يَذْكُرُكُمْ

د ابن كثیر



880. Аллоҳ сўровчиларга берганидан ҳам кўпроқ нарсани зокирларга ато қиласи. Шундай экан, Аллоҳни зикр қилинглар, Аллоҳ ҳам сизларни зикр қиласи.



881. Ҳар бир инсоннинг қалбидаги яхшилик уруғи бўлиб, у суғоришга муҳтождир.




882. Кимнинг отаси хаёт бўлса, фурсатни ғанимат билсин! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ота жаннат эшикларининг ўртасидир. Уни хоҳла муҳофаза қил, хоҳла зое қил», деб марҳамат қилганлар.

Ибн Можса ривояти



883. «**У Зот барча ишнинг тадбирини қилур**». Мана шу оят дунё сенга тор бўлиб қолганда юрагингга ҳаловат ва хушуъ улашишга кафолатдир.



884. Бугуннинг насиҳати:

Одамларнинг розилиги учун ўзгариб олма!

Уларни лол қолдириш учун турланма!

Муваффакиятсизликка учраганингда бошқача бўлиб олма!

Муваффакият сабабли такаббурлик қилма!



885. Аллоҳга истихора қилсангу, Аллоҳ яхши кўрган нарсангни сендан буриб юборса, ўзинг эса унда яхшилик бор, деб ўйласанг... Бундай пайтда асло бесабрлик қилма, маҳзун ҳам бўлма! Кунлар ўтиб, бунинг сенга кўринмаган ёмон жиҳати кўриниб қолади.

Фақат... Роббингга ишонсанг бўлди!



886. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «(Номаҳрамга) назар солиш шайтоннинг (захарли) найзаларидан биридир. Ким Аллоҳдан қўрққан ҳолида бундай назарни тарқ қилса, Аллоҳ уни иймон ҳаловатига эриштириб қўяди ва у бу ҳаловатни қалбида сезади».

Табароний ривояти



887. Ой тутилганда намоз ўқиймиз.
Қуёш тутилганда намоз ўқиймиз.
Курғоқчилик бўлганда ҳам намоз ўқиймиз.
Намоз борлиқдаги барча муаммоларга ечим бўлар экан,
қандай қилиб сенинг муаммоларингга ҳам ечим бўлмасин?

«Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Роббимиз, дуони қабул этгин» (*Иброҳим сураси, 40-оят*).



888. Аллоҳим! Дунёдаги охирги сўзимнинг «Лаа илаҳа иллаллоҳ» бўлишини насиб қил.